



БОБУР ШАҲРИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒОЯСИ ТАЖАССУМИ

Андижонликлар ҳақида гап кетганида, тadbиркор, омилкор, серғайрат, танги, мард каби ижобий сифатлар доим қўшиб айтилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бунёдкорлик руҳи, яратувчанликка интилиш, курашувчанлик иштиёқи, инсонийлик, меҳнаткашлик қонқонимизга сингиб кетган. Биргина 2024 йилда вилоятимизда 4 мингдан зиёд янги тadbиркор иш бошлагани, кўплаб тadbиркорлик субъектлари фаолияти кенгайиб, қарийб ярим миллион аҳоли ишли бўлгани ҳам андижонликларнинг ана шу гайрату шижоати ва, албатта, юртимизда тadbиркорлик ривожига кенг йўл очилгани, бизнес вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самараси деб ўйлайман.



Мақтанишга йўлланган, бугун Андижон чиндан ҳам шиддат билан ривожланаётган энг олди вилоятлардан. Президентимиз вилоятга ташрифи чоғида “Андижон заминидан Янги Ўзбекистон ғояси, Янги Ўзбекистон нафаси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда, халқимизни баланд-баланд марраларга ундамоқда. Бу — ислохотларимизнинг биз кутган, бутун халқимиз кутган энг катта, энг муҳим натижаси”, дея бежиз алоҳида таъкидламади. Ҳақиқатан, вилоятимиздаги янгиликлар, одамларнинг онгу тафаккури, дунёқараши, турмуш тарзидаги ўзгаришлар, умуман айтганда, Андижоннинг ҳар қарич ери, ҳар бир хонадондаги муҳит янги Ўзбекистон шукӯҳи билан ҳамоханг, ҳамнафас.

Андижон вилояти Ўзбекистон ҳудудининг бир фозини, аҳолиси эса қарийб 10 фозини ташкил этади. Яъни аҳоли жуда зич яшайди, бугунга келиб уч ярим миллион нафарга етди. Одатда аҳолининг бу каби зич жойлашуви ресурс ва имкониятлар чегараланувини юзага келтиради, ўз навбатида, уларнинг турмуш тарзи, фаровонлигига салбий таъсир кўрсатади. Бизда эса бунинг бутунлай акси: ҳамма бир-бирининг заковати, тadbиркорлигио урдаборонлигидан илҳом ва қувват олиб, бунёдкорлик шижоатини шаҳардан қишлоққа, юраклардан юракларга ёяди.

➤ *Давоми 3-бетда*

АНДИЖОН — ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ, ЯНГИ ЛОЙИҲА ВА ТАШАББУСЛАР ДАРВОЗАСИ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 15-16 апрель кунлари Андижонда бўлиб, вилоятдаги бунёдкорлик ишлари, янги корхоналар фаолияти, саноат, шаҳарсозлик ва бошқа соҳалардаги ишлар билан танишди.



Бу галги ташриф олдингиларидан фарқ қилади. Яъни ташриф кун тартиби тигиз, лекин муҳим воқеаларга бой бўлди. Аслида, Президентимиз ҳар бир ташрифида андижонликларни энг кўп ўйлангиларини масалаларга ўзига хос ечим билан келади. Бу сафар ана шундай ечимлар, янги ташаббуслар кўпчилиги, қўламини ва аҳамияти кенглиги билан бутун андижонликларни бахтиёр қилди.

Халқимизда “қарс икки қўлдан чиқади” деган гап бор. Бу ҳикматнинг мазмун-моҳияти шундаки, бирор ишда натижа бўлиши учун ҳам шароит, ҳам унга яраша ҳаракат бўлиши керак. Худди Андижондаги каби. Инчунин, мамлакатимизда барча соҳа ривож учун яратилаётган имкониятларга мос равишда вилоятда катта натижаларга эришилмоқда. Президентимиз эътироф этганидек, бу заминда янги Ўзбекистон шукӯҳи ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга кириб улгурган. Эътиборли ва эътирофли жиҳати шуки, давлатимиз раҳбари худудда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қисқа муддатда катта ўзгаришлар рўй бергани, бу эса одамлар ҳаётида ўзининг ижобий аксини топаётганини алоҳида қайд этди.

Андижон — Ўзбекистоннинг Шарқ томон очилган дарвозаси. Нафақат географик жиҳатдан, балки ислохотлар ва янгиликлар маркази сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга худуд.

Сўнгги саккиз йилда вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт илгаригидан мутлақо фарқ қилувчи янги босқичга кўтарилди. Бу ўзгаришлар, аввало, давлатимиз раҳбарининг халқпарвар сиёсати, амалий ташаббуслари тўғрисида юз берди. Дарҳақиқат, вилоятимизда охириги саккиз йилда кузатилган ривожланиш нафақат рақамларда, балки ҳар бир андижонлик ҳаётида акс этмоқда. Хусусан, биргина ўтган йили вилоятда 1,5 миллион квадрат метр турар жой ва 850 минг квадрат метр нотураж жой қад кўтарди. Бунинг ҳисобига савдо ва хизмат кўрсатиш ҳажми 13 фоз, саноат 7,5 фоз ошган.

Бутун вилоятимизда саноат, қишлоқ хўжалиги, тadbиркорлик, туризм ва бошқа соҳалар жадал ривожланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринлари очиб ва худуднинг инвестиция жойбадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

➤ *Давоми 3-бетда*

ҚАЛБИДА ВАТАНГА МУҲАББАТИ БОР ОДАМ ЁТ ҒОЯЛАРГА АЛДАНМАЙДИ

АНДИЖОНДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ХОДИМЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИЛДИ

Дахлдорлик ҳисси

Бу ҳафтада юртдошларимизнинг диққат-эътибори Андижон вилоятига қаратилди. Шу йил 15-16 апрель кунлари давлатимиз раҳбари вилоятга ташриф буюриб, худуддаги бунёдкорлик ишлари, жумладан, 19 гектар майдонда барпо этилган “Янги Ўзбекистон” боғи билан танишди. Шунингдек, бу ердаги хунармандчилик, бадий ва амалий санъат кўрғазмаларини томоша қилди. Андижонда ҳар йили расомлар фестивалини ўтказиш, вилоятда туризм маркази ташкил қилиш каби ташаббусларни илгари сурди.

Кунни кеча мамлакатимиз маданият ва санъат соҳасининг кўзга кўринган вакиллари касб байрамининг вилоят аҳолиси билан бирга нишонлаш учун Андижонда жам бўлди. Маданият ва санъат ходимлари кунига бағишланган тадбирлар Андижонда юқори кайфиятда ўтказилди. Фидокорона меҳнат қилаётган соҳа ходимлари эътироф этилиб, уларга “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишонини тантанали топирилди.

Маданият вазирилик таъсис этган ушбу мукофот соҳага кириб келётган эртаим эгалари қалбида умид учкунларини алангалатаётган бўлса, катта авлод вакиллари руҳлангилармоқда. Бу сафар маданият вазири ва бошқа мутасаддилар вилоятда узоқ йиллар самарали фаолият юритган, соҳа раванқига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар хонадонига бориб, байрам билан табриқлади ҳамда ташаккурнома топирилди.

➤ *Давоми 2-бетда*



“ОЧИҚ БЮДЖЕТ” ТИЗИМИ ОДАМЛАР ДУНЁҚАРАШИ, ОНГУ ТАФАККУРИНИ ҲАМ ОЙДИНЛАШТИРМОҚДА

Яқинда онам билан момонинг қишлоғига бордик. Бу ерга келганимизга уч йилдан ошганди. Қишлоқни бутунлай таниб бўлмаё қолибди. У ердаги ўзгаришларни кўриб ҳайратда қолдим. Иссиқ кунлари чанг, ёмғир ёққанда лой бўлиб кетадиган кўчалар таъмирланиб, раванлашибди. Пиёдалар учун алоҳида йўлакчалар қилиниб, кўча чироклари ўрнатилибди. Буни кўриб, уч-тўрт ёшимдаги бир воқеа эсимга тушди.

Ўшанда кучли ёмғирдан кўча тизамга-ча лой бўлиб кетганди. Ковушим лойга ботиб қолди, мен ялангоёқ давом этдим. Қўлимдан маҳкам ушлаб олган онам йиқилиб

тушмаслигимиз учун сирпана-сирпана кетарди. Ёмғир шовқинидан “вой ковушим” деганимни ҳам эшитмай қолди. Чунки онамнинг хаёли тезроқ момонинг

дарвозасига етиб олишда эди. Дарвоза ёнида бизни кучоқ очиб кутиб олган момон юзларимдан ўпиб, оёғимга қаради ва “Вой ўлмасам, болагинамнинг оёқ кийими қани?”, дея дарров мени кўтариб олди...

Онама шу воқеани эслабди, хандон отганча момонинг уйига кириб бордик. Янгам “Ўҳ-ҳу, Тошкентдан меҳмон-жонлар келибди-ку”, дея пeshвоз чиқди. Салом-алиқдан сўнг “Тоғам уйига қўшиб қишлоқни ҳам “city”га айлантириб юборибди-ку”, дедим ҳовлига назар ташлаб.

“Ҳа, энди тоғангизни биласиз-ку, қўлидан ҳамма иш келади, ҳовлини саранжомлаб қўйди. Энди қишлоққа келсак, сиз, нима, фақат Тошкентда ўзгариш, янгиликлар бўляпти деб ўйлаганимизгиз? У ёқда “Тошкент city” бўлса, бу ер “Кескак city”да”, дея мийиғида қулди. Сўнг дарвозадан ташқарига ишора қилиб сўзида давом этди: “Ўтган йили маҳалла аҳли бир ёқадан бош чиқариб овоз йиғдик. Ҳаракатларимиз бесамар кетмай, “Очиқ бюджет”да ютиб, кўчаларни таъмирлатиб олдик. Бу иккинчи ютишимиз, биринчисидан мактабимизни таъмирлатгандик. Аҳилликда гап кўп-да, мақташ эмасу, пойтахтнинг манаман деган маҳаллаларидан кам жойи йўқ. Ҳали мактабимизни кўрамбасиз, озингиз ланг очилиб қолади. Ўқувчилар учун энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган”.

➤ *Давоми 4-бетда*



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Дахлдорлик ҳисси



ҚАЛБИДА ВАТАНГА МУҲАББАТИ БОР ОДАМ ЁТ ҒОЯЛАРГА АЛДАНМАЙДИ

АНДИЖОНДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ХОДИМЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

— Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи чоғида биз — маданият ҳамда санъат соҳаси вакиллари ҳақида билдирган самимий гапларидан таъсирланиб юрган пайтимида хонадонимизга маданият вазири келиб, касб байрамимиз билан табриқлади. Уша палладаги ҳиссиётимни сўз билан ифода қилиб олиш керак, — дейди Андижон туманидаги 7-музыкага ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиси Шалоллахон Мамадалиева. — Маданият ва санъат вакилларига етарли имконият яратиб берилган, катта эътибор ва ишонч билдирилган бугунги даврда ёшлар, шоғирларимизга маза қилиб ишлаши, халқимизга хизмат қилиши керак. Биз, фахрийлар эса, ўз навбатида, миллий маданият ва санъатимизнинг нуфузини сақлаш, бор билимимизни ёш авлодга бериш орқали уларнинг етуқликка эришиши учун тўғри йўл кўрсатиб боришимиз лозим.



Қалбида ватанга муҳаббати бор одам ҳеч қачон ёт ғояларга алданмайди. Бугун халқимиз Учинчи Ренессанс пойдеворини куриши оддига катта мақсад қилиб қўйди. Бу борадаги ислохотларда маданият ва санъат соҳаси ходимлари олдинги сафда бўлиши керак. Чунки давлатимиз раҳбарининг талаби ҳам шундай.

— Бугун тизимда 36 мингдан ортиқ ходим фаолият юритади. Барча жабҳа қатори маданият соҳасида ҳам рақобат тобора кучайиб бормоқда, — дейди маданият вазири Озодбек Назарбеков. — Инсон онги, ҳиссиётлари учун кураш кетмоқда. Қадриятларга таъсир ўтказиш, ўзгартиришга уринишлар бўлмоқда.

Шундай мураккаб бир даврда айнан маданият ва санъат соҳаси қалб, тафаккур ҳамда қадриятлар ҳимоячиси бўлиб катта майдонда ўзини кўрсата олиши керак. Халқнинг уйғоқлиги бевосита маданиятга, маънавиятга боғлиқ. Бу борада Президентимиз белгилаб берган кўплаб устувор режа ва долзарб вазифалар жамиятимизда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларимизни ватанпарвар ва фидойий қилиб тарбиялашга қаратилган.

Андижон марказидаги Янги Ўзбекистон боғида бўлиб ўтган “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишонини билан тақдирлаш маросими ҳамда байрам концерти дастури шаҳар оқшомига янада файз бағишлади. Тадбир аввалида маданият вазири Озодбек Назарбеков барчани чин юракдан табриқлаб, меҳнати эътироф этилганларга мукофотларни топширди. Концерт дастури эса миллий санъатимизнинг чин намоёнчилигига айланган.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов, ТУРКСОЙ Бош қотиби Султон Раев иштирок этди.

Маданият ва санъат азалдан бошқа соҳалар ривожига ҳам куч бағишловчи, юртни дунёга кенг танитувчи қудратдир. Бугун ўзининг тараққиёт йўлидан бораётган янги Ўзбекистон номини бутун оламга ёйишда ҳам шу соҳа муҳим ўрин тутди. Бундай шароитда фақат ва фақат юракдан ишлаш, завқланиб яшаш керак.

Нодир МАҲМУДОВ, Муножат МАҲМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбирлари

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЎҶОҒИНИНГ МУҲТАШАМ ҚЎРҒОНИ

Жорий йил 15-16 апрель кунлари Президентимизнинг Андижонга ташрифи нафақат вилоятимиз аҳли, балки барча юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди. Чунки ушбу тарихий ташриф давомида бутун республикамизга дахлдор бир қанча ташаббуслар илгари сурилди.



Мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шу асосда одамларни ҳаётдан рози қилиш йўлида жадал ислохотлар кечмоқда. Ушбу ўзгаришлар сабаб ҳар бир хонадонга янги Ўзбекистон шукухи кириб борди.

Айниқса, маънавий қадриятларимизга эътибор, келажак ворислари учун яратилган шарт-шароитларни алоҳида қайд этиш лозим. Ташриф давомида Янги Андижон шаҳрини Бобур шаҳри деб номлаш бўйича катта ташаббус илгари сурилди. Шу орқали Бобур бобомиз сиймосини абадийлаштириш йўлидаги яна бир йирик қадам ташланди. Қувонарлик, янги шаҳарда улуг аждодимиз ва унинг авлодлари бунёд қилган тарихий обидаларнинг кичиклаштирилган нусхаларидан иборат тематик парк барпо этиладиган бўлди. Қолаверса, Президентимиз ҳар йили Бобур шаҳрида расмлар фестивалини ўтказишнинг чин намоёнчилигига айланган.

Расмлар учун бундай фестиваль ўтказиши ҳар бир зиёлини беҳад қувонтирди. Негаки, адабиёт, санъат бир бутун вужудга ўхшайди. Улар муштарак равишда ривожланади. Адабиёт ва санъатнинг юқори чўққига чиқиши халқда ижодкорлик кайфиятини кучайтиради. Бу ўз ўрнида аниқ фанларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Буни Иккинчи Ренессансга пойдевор қўйган аждодларимиз мисолида ҳам яхши биламиз. Уша вақтда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кучли давлатчилик пайдо бўлди. Иқтисодий, ҳарбий қудратга эга мамлакатда илм-фан ва ижод бир вақтда ривож топди.

Бугун ҳам янги Ўзбекистонда худди шундай ҳолат кузатишмоқда. Берилган имкониятлар сабаб илм-фанда юқори марраларни эгаллаётган ёшлар сафи кенгайди. Ижод майдонидида ҳам ватанимизга муносиб ижодкорлар камол топиб келмоқда. Шу боис, биз бемалол юртимизда Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилмоқда деб айта оламиз.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга Бобур шаҳрини маърифат ва маданият марказига айлантириш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган қарор лойиҳасини ишлаб чиқишни топширди. Демак, янги шаҳар Учинчи Ренессанс таянчи бўлиб хизмат қилади, десак муболага бўлмайди.

Адириклар бағрида барпо этилаётган Бобур шаҳрига ташриф буюрган ҳар қандай киши қурилиш ва бунёдкорлик ишларидан ҳайратланиши аниқ. Кенг, раван йўллар, бири биридан кўракм кўп қаватли уйлар, боғлар, атрофи гулларга бурканган йўлакчалар, умуман, адирик бағри бўстонага айланаётгани ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтиради. Замонавий меъморий анъаналар асосида бунёд бўлаётган Бобур шаҳрида кўп қаватли маҳобатли бинолар қаторида Бобурнинг муҳташам ҳайкали ҳам қад ростлайди. Бундай ўзгаришлар бизга янги куч ва шижоат беради.

Бунинг учун, Президентимиз таъбири билан айтганда, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби оламга машҳур аждодларимиз борлигини, улар Ўзбекистон фарзанди эканини ҳеч қачон унутмасак бас.

Шоҳистахон ЮРМАТОВА, Муҳаммад ЮСУФ номидаги ижод мактаби директори

Маҳаллий кенгашларда

ИШ ҲАМ, ТАЛАБ ҲАМ БИР ХИЛ

ЁНДАШУВ ВА МУАММОЛАР ЕЧИМИ-ЧИ?

Маҳаллий кенгашлар фаолиятидаги катта янгилик — ҳокимнинг кенгашга раислик қилиши тизими бекор бўлганидан кейин нималар ўзгарди? Депутатлар, кенгашлар тўғрисидаги қонунлар, халқ вакиллари олдида қўйилган вазифалар, уларга берилган имкониятлар ҳам бир хил бўлишидан қатъи назар, ваколатини тўлиқ амалга оширишда ҳар бир кенгашнинг ўз иш услуби бор. Худудий, географик, ишлаб чиқариш, аҳолининг ҳўжалик юртиши, турмуш тарзи, яна кўп жиҳатлари билан жуда ўхшаш бўлган Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари халқ депутатлари кенгашлари янги шароитда қандай ишламоқда?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2025 йилда маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда котибият ходимларининг ўзаро тажриба алмашишини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган режа-графикка асосан халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши депутатлари, котибият ходимлари, доимий комиссия раислари Жиззах вилоятида бўлди.

Сафар аввалида қашқадарёлик депутатлар “Меҳнат шукрати” ордени ҳамда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвони соҳиби, халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши депутати Шарофат Нориеванинг фермер ҳўжалигига борди. Меҳмонлар унинг тадбиркорлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, хусусан, боғдорчилик, кўчатчилик, чорвачилик ва ҳудудда томорқачиликни кенг тарғиб қилиш, иш ўринларини яратиш ишлари ҳамда депутатлик фаолияти билан қизиқди.

Маҳаллий кенгашлардаги ўзгаришларни Шарофат Нориева фаолиятида ҳам кўриш мумкин. У “сайловчилар депутат олдида эмас, депутат ў сайловчилари хузурига бориши шарт” деган тамойилдан келиб чиқиб, ҳар оининг охириги ҳафтаида ў сайлов округида аҳоли билан учрашув

ўтказмоқда. Мулоқотда мурожаат ва тақлифларни аввал ўзи атрофлича ўрганиб, сўнг тегишли идораларга олиб чиқмоқда. Депутат фақат шу йилнинг ўтган даврида ўз округидаги одамларни қийнаб келаятган электр, сув таъминоти, ободонлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини бошловчиларни қўллаб-қувватлаш каби ўнга яқин муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилгани меҳмонларда яхши таассурот уйғотди.

Меҳмонлар Шарофат Нориева ташаббуси билан ташкил қилинган “Гулчи опа томорқа хизмати” кластери фаолияти билан ҳам танишди.

— Ҳам депутат, ҳам тадбиркор Шарофат Нориеванинг фаолияти ҳавас қиларга арзулик, — дейди халқ депутатлари Қашби тумани кенгаши депутати Султон Ҳамроев. — “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвони биринчи бўлиб ушбу аёлга бежиз берилмаганига амин бўлдик. Дарҳақиқат, унинг ҳудудда томорқачиликни ривожлантириш, янги иш ўринларини очиб, аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш, депутат сифатида одамларнинг турли муаммо ва ижтимоий масалаларини ҳал этишдаги ишлари таҳсинга сазовор. Вилоятимиздан

гулчилик, томорқачиликка қизиқадиган хотин-қизларни олиб келиб, гулчи опа тажрибасини Қашқадарёда ҳам тағбиқ этишга келишиб олдик.

Халқ депутатлари кенгаши фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг котибияти қандай ишлашига боғлиқ. Қашқадарёликлар вилоят кенгаши котибияти фаолияти билан танишиш давомида доимий комиссиялар иши, назорат-таҳлил тадбирлари, депутатларнинг сайловчилар билан тизимли ишлаши жараёни билан қизиқди. Меҳмонларга халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги доимий комиссиялар, партия гуруҳлари ва депутатлар фаолиятини тўғри ҳамда самарали ташкил этиш, маҳаллий бюджетни шакллантириш, унинг ижроси устидан самарали депутатлик назоратини амалга ошириш, ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш, тасдиқлаш ҳамда ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолиятини юртиши борисида вилоятда қилинаётган ишлар бўйича атрофлича маълумот берилди. Меҳмонларда доимий комиссиялар фаолияти, сессия мажлисларини ўтказишга оид тажрибалар яхши таассурот қолдирди.

Сафар давомида қашқадарёлик депутатлар Жиззах шаҳар кенгашида ҳам бўлди. Бу ерда қилинаётган ишлар, эришилган ютуқлар юзасидан ўзаро тажриба алмашиди. Тажриба алмашиш доирасида меҳмон депутатлар шаҳар кенгашининг қурилиш, коммунал соҳалар, экология, саноат ва транспорт масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги мажлисида ҳам иштирок этди.

Делегация аъзолари вилоятнинг чекка тоғли ҳудудлари — Зомин ва Ғаллаорол туманларидаги бунёдкорлик ишлари билан

таништирилди. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ҳамда истиқболдаги мақсадларини амалга оширишда халқ сайлаган вакилларнинг депутатлик назорати ва таҳлил тадбирлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Ушбу ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий дастурларда вилоят, туман депутатларининг иштироки яхши самара бераётгани, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликдаги ишлар эътироф этилди.

— Ўзаро мулоқотларда туризмни таъминлашдаги ўхшаш имкониятлар, келажакдаги мақсадлар ҳам муҳокама этилди, — дейди халқ депутатлари Шаҳрисабз тумани кенгаши депутати Илҳом Юсупов. — Зоминнинг гўзал табияти, айниқса, осма дор йўли, “Бахт кўприги”, денгиз сатҳидан 2400 метр баландиқдаги Суффа платоси ҳар қандай маҳаллий ва хорижий сайёҳни ўзинга жалб қилади. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан, туманимизнинг қадимий ва гўзал табиятли Фелон қишлоғида туристик-рекреацион зона ҳамда халқро умуммавсумий курорт ташкил этилмоқда. Айни пайтда ушбу қарор ижроси бўйича улкан бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Зоминда туризмни ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатларни кузатиб, туманимизда бу борадаги ишлар сифатли бажарилиши ва ажратилган маблағни самарали ҳамда мақсадли ишлатиш устидан доимий депутатлик назорати ўрнатилиши олдимида турган асосий вазифалардан эканига ишонч ҳосил қилдим.

— Янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқ, ҳокимларнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига раислик қилиш амалиёти босқичма-босқич бекор қилинмоқда, — дейди халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши раиси Парда Шукуров. —



Ушбу норма жорий йилдан бошлаб вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашида амалиётга тағбиқ этилди. 2026 йилдан эса туман (шаҳар) кенгашларида жорий қилинади. Ушбу сиёсий ислохот орқали халқимизнинг 30 йиллик орузи рўёбога чиқди. Ўтган йили ҳокимларнинг 33 та ваколати кенгашларга олиб берилди, яна 17 та ваколатни ўтказишга режа қилинган. Бундан ташқари, кенгаш сўрови ва кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали худудий ижро органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилмоқда. Жорий йилдан бошлаб ер, мол-мулк ва айланма солиқларни тўлиқ, даромад солиқларининг эса камиди 50 фоизини туман ва шаҳарнинг ўзида қолдириш режалаштирилган. Бу ислохотлар туман ва шаҳарларнинг ўз худудидидаги муаммоларни мустақил ҳал этиш баробарида мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қийнаётган масалаларни ечим бўйича асосий ташаббусларни илгари суришни ҳам тақозо этади.

Янги таҳкил этилган кенгаш фаолиятининг самарадорлигини оширишда депутатларнинг ўзаро тажриба алмашуви яхши натижа бериши аниқ. Қашқадарёлик депутатларнинг вилоятимизга келгани ҳар иккала томон учун жуда фойдали бўлди. Биз ҳамкасбларимизга фақат ютуқларимизни кўрсатиш билан чекланмай, ҳали бартараф этилмаган камчиликлар юзасидан ҳам

фиқр алмашидик. Бир қанча соҳада ҳамкорлик қилиш юзасидан ўзаро келишиб олдик. Мулоқотларда халқ депутатлари вилоят кенгашлари энди ижро ҳокимиятининг қатор ваколатига эга бўлган ҳолда халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, одамларни қийнаб келаятган муаммолар ва ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиши, улар энди том маънода халқ вакиллари бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Маҳаллий кенгаш раислари ва депутатлар фаолиятининг илк сарҳисоби, жумладан, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасидаги ҳаракатлари, ишни тўғри ташкил этиш мақсадида юқоридаги каби ўзаро тажриба алмашишлар, ҳеч шубҳасиз, янги тизимнинг афзалликларидан далолат беради. Ўзаро тажриба алмашиш депутатлар ва маҳаллий кенгаш раислари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни чуқурроқ тушуниш ва уларни самарали ҳал қилишга имконият яратди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини ошириш, аҳолига яқин бўлиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

“Андижон Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган диёр экани билан ҳам машҳур. Шу муносабат билан Президентимиз Янги Андижон шаҳарчасига Бобур шаҳри деб ном бериш ташаббусини илгари сурди. Бу барчамизнинг кўнгилмиздаги, юрагимиз тубидаги иш бўлди. Ушбу ташаббусни фахр-ифтихор, зўр хурсандлик билан қабул қилдик.



БОБУР ШАҲРИ –

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒОЯСИ ТАЖАССУМИ

Бошланиши 1-бетда



Ўткам ОХУНОВ,
“Нуроний” жамғармаси
Андижон вилояти
бўлими раиси, сенатор

Аслида, Андижон мамлакатимизда худуди жиҳатидан энг кичик, аҳолиси эса энг зич яшайдиган вилоят экани янгилик эмас. Бу ерда азалдан нисбатан аҳоли зич жойлашган. Эҳтимолки, ана шу жиҳат қадимдан аждоқларимизда изланувчанлик, топқирлик, бор имкониятдан юқори даражада фойдаланиш кўникмасини шакллантирган.

Ҳа, андижонликлар катта эл. 3,5 миллион аҳолининг ютуқлари билан бирга талаб ва эҳтиёжлари, катта-катта режалари ҳам шунга яраша. Давлатимиз раҳбари вилоятни комплекс ривожлантириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йилгида шу каби жиҳатларни ҳисобга олиб, Андижонга қўшимча 1 триллион сўм тўғриворилиши айтиди. Ишончим комилки, вилоятимизга ажратилаётган маблағ ҳисобига амалга

оширилдиган лойиҳалар қийматидан бир неча юз, минглаб чандон ортиғи билан самара келтиради.

Умуман олганда, вилоят аҳлининг ҳаёти янада яхши, тўқис бўлиши, худуд раванқ топиб, барқарор тараққиётга эришиши учун нима керак бўлса, давлатимиз томонидан ҳаммаси муҳайё қилинмоқда. Бу баландривоз гаплар эмас. Масалан, замон талабига айланган қайта тикланувчи энергетика тизимини олайлик. “Яшил” энергия манбалари бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши ва экологик муаммоларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, “яшил” ривожланиш экология муаммоларига ечим топишда муҳим восита ҳисобланади.

“Яшил” энергетика қазилма ёқилғи сарфисиз, атмосферага зарарли газлар чиқармайдиган ва натижада атроф-муҳитга зиён етказмаган ҳолда энергия таъминотини амалга оширадиган тизимдир. Бунда истеъмол талаби кўёш, шамол, сув, биомасса, водород энергетикаси каби муқобил энергия манбалари эвазига қопланади.

Очиғи, илгари “яқин орада Ўзбекистонда “яшил” энергетика қувватлари тараққиётни ҳаракатга келтирувчи асосий манбага айланади”, дейишса ишонмас эдик. Мана, сўнгги саккиз йилда ислохотлар тўғрисида бугун “яшил” тараққиёт оғушида яшаймиз.

Бу, албатта, кейинги йилларда соҳага катта эътибор қаратилиб, ҳуқуқий саман яратилгани, “яшил” энергия манбаларини барпо қилиш бўйича катта дастурлар бошлангани, инвесторлар учун жозибадор муҳит ташкил этилиб, амалий ишлар авж олганининг самарасидир.

Шу нуқтан назардан, Президентимизнинг Андижонга ташрифиди одатий эмас, балки барқарор ривожланиш, тоза муҳит ва экологик ёндашувга жиддий эътиборнинг бошланиши бўлгани билан ҳам ниҳоятда тарихий бўлди, десак адашмаймиз.



Зеро, ташриф давомида тақдим этилган лойиҳалар вилоят саноатида “яшил” ёндашув устувор йўналишга айланаётганини кўрсатяпти. Масалан, 2025 йилгача 65 мегаватт қувватга эга қайта тикланадиган энергия манбалари ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Бу орқали энергия истеъмолидаги умумий юкларнинг аста-секин муқобил энергия манбалари ҳисобига нормаллашиб боришига эришилади.

Сирасини айтганда, бугун фақат “яшил” энергетика билан фаровон ҳаётимизни таъминлашга эришиш мумкин. Бунинг учун бизда барча имкониятлар, шароит ва ҳуқуқий асослар бор. Фақат бошлаган йўлимиздан асло ортга қайтмаслик, буюк мақсадларимиз сари ҳеч иккиланмай, фақат ва фақат олға юриш керак.

Хайрли мақсадларга йўғрилган янги ва яхши воқеликлардан яна бири шуки, кейинги 4-5 йилда ҳар бир қаричи тиллога тенг вилоятда ўн минглаб одамлар бошпанали бўлди.

машҳур. Шу муносабат билан Президентимиз Янги Андижон шаҳарчасига Бобур шаҳри деб ном бериш ташаббусини илгари сурди. Бу барчамизнинг кўнгилмиздаги, юрагимиз тубидаги иш бўлди. Ушбу ташаббусни фахр-ифтихор, зўр хурсандлик билан қабул қилдик.

Президентимиз қайд этганидек, бу Бобур Мирзонинг дилида қолган армонларини рўёбга чиқариш йўлида яна бир тарихий воқеадир.

Янги шаҳарда 1680 ўринли мактаб, 420 ўринли болалар боғчаси, 250 қатновга мўлжалланган поликлиника қурилгани ҳам одамларга том маънодаги ғамхўрлик, ислохотларнинг туб моҳияти — “Инсон қадри учун” ғоясининг ҳаётий ифодасидир.

Бундан ташқари, янги шаҳарда энгил саноат корхонаси, ипотека маркази ҳам ташкил этилганки, буларнинг барчаси аҳолига қўлайлик яратди. Бу ердаги қурилишлар якунига етгач, 500 минг киши истиқомат қилади.

Ушбу хайрли ишларга тамал тоши бундан сал аввал қўйилган эди. Қувонарлиси, қисқа муддатда асрга татигулик ишлар амалга оширилди. Ростини айтиш керак, бу лойиҳалар рўёбга чиқишига оддий одамларни қўя туринг, қурувчилар ҳам шубҳа билан қараганди. Қатъият ва интилиш бор жойда натижа бўлиши яна бир бор ўз исботини топди.

Бобур шаҳри — янги тараққиёт маскани. Мен бекорга бу иборани ишлатмадим. Зеро, шаҳарнинг яратилаётган янги тарихи бевосита давлатимиз раҳбари илгари сурган ғоялар, ташаббус ва лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши билан чамбарчас боғлиқ.

Вилоятимизга қилинган юксак даражадаги ҳар бир ташриф ҳамда тақдимотлар янги шаҳар мазмунини ва қиёфасини учун ҳал қилувчи чизги вазифасини бажарди, десак янгиликмаймиз.

Энг асосийси, бу ерда барча шарт-шароитлар яратилди. Давлатимиз раҳбари ҳудуд бўйлаб юриб, янги мажмуаларни кўздан кечирди. Бугун тайёр хонадонларнинг аксарига оилалар кўчиб келиб яшамоқда. Бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилиб, бу йил мингдан зиёд хонадонли яна 40 та кўп қаватли уй барпо этилади. Иншоотлар йўл, электр энергияси, табиий газ, сув, иссиқлик каби зарур тармоқлар билан таъминланган.

Умумий қиймати 33 миллиард сўмга тенг лойиҳа доирасида ҳозир сифғими тўрт минг метр куб бўлган сув сақлаш ва узатиш иншооти ишга туширилди. Шунингдек, ҳудудда 19 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи ташкил этилди. Муҳими, янги Бобур шаҳри экологик ҳудудга айланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ушбу манзил нафақат уй-жойлар, замонавий шаҳарсозлик меъерлари, энг асосийси, инсон қадри юқори мақсад қилиб олинган сўғат ифодасига айланди. Албатта, бундай ўзгаришлардан қўланган мақсад жадал суръатларда ривожланиб бораётган Андижон вилоятда турмуш даражасини янада яхшилаш, янги-янги технологик ёндашувларга асосланган

Муносабат

Бошланиши 1-бетда

2024 йилда вилоятда инвестиция лойиҳалари доирасида 380 та лойиҳа амалга оширилди. Бунда тўқимачилик, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиғи соҳалари салмоқли ўрин эгаллади. Мазкур лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобида 32 мингдан зиёд янги иш ўрни очилди. Жорий йилнинг биринчи чорағида эса инвестиция лойиҳалари самараси ҳамда тижорат банклари иштирокида 77 минг фуқаро иш билан таъминланди.

Андижонда иқтисодий салоҳият, янги лойиҳа ва ташаббуслар кўп. Булоқбоши туманида вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича ўтказилган йилгида давлатимиз раҳбари кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва экспортни кўпайтириш, қурилиш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасидаги муҳим вазифаларга тўхтади. Аввало, 2025 йилда вилоятда камиди 6 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаб, ялпи ҳудудий маҳсулотни 105 триллион сўмдан ошириш, 305 минг кишини иш билан банд қилиб, 150 минг одамни камбағалликдан чиқариш имконияти борлиғи қайд этилди.

Таъкидланганидек, 13 минг гектар адирга сув чиқариб, бемалол экин экиш мумкин. Лекин у ерларга сув чиқаришда насос ишлатиш учун электр нархи деҳқонларга оғирлик қилади. Шу боис, кўёш панели ўрнатиш учун молиявий имтиёзлар қўлланади. Қўрғонтепада 300 гектар адирликда саноат усулида интенсив боғ ва узумзор барпо этилиб, тадбиркорларга тайёр ҳолда тақдир қилинади.

Қолаверса, бошқа ҳудудлардаги самарасиз иссиқхоналар Андижонга кўчирилиб, аҳолига лизингга берилади. Маҳаллаларга арзон уруғ ва минерал ўғит етказилади.



Шукуржон МАМАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Гидроэлектр станциялар электр энергияси барқарорлигини таъминлашда энг самарали манба. Улардан олинандиган энергия таннархи ҳам нисбатан анча арзон. Дастлабки ўрганишларга кўра, юртимиздаги гидроэнергетика салоҳияти 8000 мегаваттнинг ташкил этади. Лекин ҳозир бунинг 2200 мегаваттидан фойдаланилмақда, холос.

Жумладан, вилоятимизда сув оқими юқори бўлган ариқ ва каналларда 75 мегаватт қувватга эга кичик ҳамда микро ГЭСлар қуриш имконияти мавжуд. Бу жараёнда иштирок этадиган тадбиркорларга 3 йил имтиёзли давр билан 7 йилга 12 фоиз ставкада кредит

берилиши белгиланди. Мана шунинг ўзиёқ бунёдкорлик ишларини янада жонлантиришга туртки беради. Чунки электр энергияси ишлаб чиқаришдан бошлаб аҳоли фаровонлигини таъминлашга бўлган барча соҳа ва бўғинда жуда зарур.

Бу йил вилоятда 9700 хонадонли 245 та кўп қаватли уй қурилади. Бу соҳада 10 минг кишининг бандлиғи таъминланади, 1000 километрдан зиёд йўл ва кўприклар таъмирланади. Қисқаси, жорий йилда 5 миллиард 700 миллион долларлик 166 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Бу орқали 31 мингта иш ўрни очилади. 31 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 1,5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилади. Корхоналарни барқарор энергия билан таъминлаш учун 65 мегаваттлик янги қувватлар барпо этилади.

Бугунги тараққиётни тўғри баҳолаш учун, аввало, кечаги кунга назар ташлаш зарур. Вилоятдаги иқтисодий-ижтимоий, инфратузилмавий ривожланиш жараёни узоқ йиллар деярли тўхтаб қолганди. Расмий маълумотлар вилоятда саноат ўсиб бораётганини кўрсатса-да, амалда бармоқ билан санарли ишлаб чиқариш корхонаси бор эди. Кўп ҳолларда Асакса автомобиль заводи вилоят саноатининг ягона намунаси сифатида тилга олинарди.

Ўзбекистон ҳудудининг атиги бир фоизини ташкил этадиган вилоятимиз бугун аҳоли манфаатларига мос равишда ривожланиб, катта иқтисодий салоҳиятга



эга бўлиб бормоқда. Бугун Андижон вилоятида 11 мингдан зиёд саноат корхонаси бор. Уларнинг амалда саноатдаги улуши 10 фоиздан юқори. Хусусан, ҳудудда 47 та саноат зонаси ташкил этилган. Уларда 2,3 триллион сўмлик мингта лойиҳа амалга оширилиши ҳисобига 18 минг киши иш билан таъминланган. Мазкур зоналарда 2024 йилда 1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қарийб 31 миллион долларлик товар экспорт қилинган. Ҳозир қиймати 1 миллиард долларлик 288 та инвестиция лойиҳаси амалга ошириш жараёнида.

2016 йилгача вилоятдаги энг оғриқли масалалардан бири уй-жой масаласи эди. Кўплаб оилалар пана-пастанам, узоқ йиллар таъмирланмаган, санитария талабларига мувофиқ жавоб бермайдиган уйларда яшарди. Қисқача айтганда, бошпанали бўлиш умиди сўниб бораётган эди. Энг оғриқлиси, ушбу муаммолар ечими борасида давлат даражасида жиддий сиёсий ирода сезилмади. Ҳолбуки, Андижон мамлакатимизда аҳоли энг зич жойлашган ҳудуд, Ўзбекистоннинг 10 фоиз аҳолиси 1 фоиз ҳудудда яшайди. Шу боис, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги шаҳар қурилиши бошланган эди.

Ушбу шаҳар Андижон туманидаги адирликда, қишлоқ хўжалиғида фойдаланилмаган 4 минг гектар майдонда барпо этилмоқда. Бу йилгисини қўшиб ҳисоблаганда, янги шаҳарда ўртача 3 мингта оила ватани бўлади. Мана шунинг ўзиёқ янги шаҳар қурилишининг аҳамияти нечоғлиқ юқори эканидан далолат беради.

Шу кунларда “WBM Romitex” кластерининг Андижон шаҳрида қурилган янги “WBM Fabrics” корхонаси иш бошлади. Умумий қиймати 50 миллион долларлик инвестиция лойиҳаси доирасида замонавий саноат иншооти қурилиб, Италия ва Германиядан юқори технологик ускуналар келтириб ўрнатилди. Энг муҳими, лойиҳа доирасида 600 та доимий иш ўрни очилди.

Шу билан бирга, 19 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиб, ўн минг тулдан ортққ манзарали дархат кўчати, бута ва гуллар экилди.

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтган халқ сайлида сўзга чиқиб, ушбу шаҳарчага Бобур шаҳри, деб ном беришни таклиф қилгани мени бениҳоя қувонтирди.

“Фахр билан айта оламизки, Андижон бутун мамлакатимиз, Марказий Осиё минтақасининг замонавий, йирик шаҳарларидан бири, водий гавҳаридир. Бу кўна заминдан қўллаб олим ва мутафаккирлар, машҳур шoir ва адиллар, давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намоянадалари еттишиб чиққан.

Андижон — буюк мутафаккир, бунёдкор шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобимиз таваллуд топган табаррук диёр экани барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди”, деди давлатимиз раҳбари.

Бугун Президентимизнинг ташаббуслари ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ҳудудда саноат ўсиши, инфратузилма ва ижтимоий ривожланишнинг янги босқичи таъминланипти. Бу галли ташриф ҳам одамлар ҳаётига янгиликлар олиб кирадиган янги ғоя ва мақсадлар, ҳаракатларга замин яратиши билан алоҳида аҳамиятга эга.



www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz

“ОЧИҚ БЮДЖЕТ” ТИЗИМИ

ОДАМЛАР ДУНЁҚАРАШИ, ОНГУ ТАФАККУРИНИ ҲАМ ОЙДИНЛАШТИРМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Хол-аҳвол сўрашар эканмиз, хаёлим ҳали ҳам “Очиқ бюджет” лойиҳасида эди. Қулоғим остида “Бизга овоз беринг”, дея овоз йиғиб юрадиган маҳалла фаоллари ёки “Битта овоз... сўм, маҳалламизга овоз бериб кетинг”, дея жамоат жойларида овоз йиғиб юрадиган ёшлар хаёлимдан ўтди. Улар нима учун бунчалик жон қуйдиришларини англагандай бўлдим.

“Янги, сизлар ҳам пул бериб овоз йиғдиларингизми”, дея сўрадим.

“Йўқ, биз пул йиғмадик. Овоз бериш бошланган кунни маҳалла раиси ҳаммамизни йиғиб, бу лойиҳа нима эканини, голиб бўлсақ, ҳаётимиз ўзгаришини тўшунтирди. Маҳалла аҳли ўша ернинг ўзидаёқ овоз беришни бошлади. Кейин эса барча қўлидан келганча овоз йиғишга ҳаракат қилди. Тадбиркорларимиз ҳам фаол-да, ташаббусни ўз қўлига олди. Маҳалламиздаги йўл ёқасида жойлашган ошоналаримиз овоз берган хўрандаларга чой, нонни бепул қилди. Новвойхоналар эса битта овоз учун иккита нон текин деб пештахтасига ёзиб қўйишди. Маҳалла “Дамас”лари эса овоз берган одамга текинга хизмат кўрсатишди. Қолганлар ҳам қараб ўтиргани йўқ, хуллас, ҳаммамиз бирлашиб овоз йиғдик”, деди янгам.

Уларнинг аҳиллигига ҳавасим келди. Бундай ҳамжиҳат қишлоқда жанжал, келишмовчиликлар ҳам бўлмаса керак. Янгамнинг сўзларини эшитиб, “Очиқ бюджет” лойиҳаси фақат қишлоқ ва маҳаллаларимизни обод қилмайпти экан. Аввало, инсонларнинг онги, дунёқароши ўзгаришига, одамларимиз кўнглида фидойилик, аҳиллик туйғулари ислоҳ қилинишига хизмат қилаётган экан”, деган фикрга келдим.

Бу жараённинг муваффақияти сабаби унинг халқро тажрибада турли кўринишларда мавжуд экани, тарих синовидан ўтганидир. Дунё амалиётида партисипатор бюджет деб номланувчи бу механизм тўғридан тўғри нусхаланмаган. Мутахассислар томонидан батафсил ўрганилиб, ўзимизга мосланган шаклдаги модели яратилиб, ҳаётга татбиқ этилган. У мамлакатда коррупция иллатига қарши курашиш, аҳоли ва давлат ўртасида ўзаро ишонч ва мулоқотни кучайтиришда қўл келадиган тизим сифатида эътироф этилади.

1989 йил илк бор Бразилияда қўлланган лойиҳа бутунги кунда Европа, Шимолий, Марказий, Жанубий Америка ва Канада, Осиё, Африка, Океания мамлакатлари орасида кенг тарқалган. “Participatory Budgeting World Atlas” 2019 йилда бутун дунё бўйлаб 11 мингдан ортиқ партисипатор бюджет амалиёти мавжудлигини айтди. Унинг бу даражада омаллашиб кетиши давлат ва жамият учун ҳам бирдек фойдалу эканидир.

Ушбу амалиётнинг ўзбекча модели — “Очиқ бюджет”нинг энг катта устуниги тўғридан тўғри халқ фикри асосига қурилганидир. Лойиҳага кўра қурилши ёки таъмирланиши керак бўлган жойни ҳам аҳолининг ўзи белгилайди ҳамда уларнинг овоз бериши орқали, биринчи навбатда, яхшиланishi керак бўлган ҳудудлар ажратиб олинади. Албатта, тизимнинг шэффоф, кулай ва содда тарзда ишлаши ҳам унинг халқимиз орасида йил сайин омаллашиб боришига замин яратмоқда.

Ўзбекистон фуқароларини бюджетни шакллантириш ва уни сарф этиш амалиётига жалб этиш механизмлари 2019 йилдан ҳаётга татбиқ этила бошланди. Аввал

бюджет сарфини белгилаш жараёнида аҳоли вакиллари ташаббуси ва фикрлари билан иштирок этишни бошлади. Айнан “Очиқ бюджет” лойиҳаси эса Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилди. Унга кўра, “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси тузилди ва унинг молиявий манбалари сифатида туман (шаҳар) бюджетидан 5 фоиз, қўшимча манбаларнинг камида 30 фоизи этиб белгиланди. Кейинчалик вилоятлар қўшимча маблағларининг бир қисми ҳам шу тизим бўйича сарфланган бўлди. 2021 йил лойиҳа синов тарихида ҳар бир ҳудуддан биттадан туманда амалга оширилди. Тажриба давомида 41 мингдан ортиқ таклифга фуқаролар томонидан 1 миллиондан ортиқ овоз берилди. Натигада 1600 та таклиф голиб бўлиб, улар бўйича қуриш, таъмирлаш ишларини бажариш учун 407 миллиард сўмдан ортиқ маблаг сарфланди.

Таъмирланиши керак бўлган манзилни таклиф этиш ва овоз бериш жараёнлари учун “Очиқ бюджет” ахборот портали ташкил этилди. Барча амалор онлайн тарзда, инсон омилсиз амалга оширилиши эса одамларнинг ушбу механизмга ишончини янада кучайтирди. 2022 йилдан буён бу амалиёт бутун республика миқёсида амалга оширилмоқда. 2022 йилда 131 миң 265 та таклифга жами 14 миллион 511 миң 857 та овоз берилди. Таклифлардан 4136 таси голиб топилиб, уларни амалга ошириш учун 2537 миллиард сўм ажратилди.

Ажратилган маблаг самарали ишлатилиши, голиб таклиф асосида сифатли иш бажарилишини маҳаллий аҳолининг ўзи



назорат қилмоқда. Ўтган йилларда бу бўйича ижтимоий тармоқларда бир қанча видеолар, фикр-мулоҳазалар тарқалди.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз эски тузум даврида онгу шуурига ўрнашиб қолган “барчаси давлатники” деган эскича қарашдан воз кечпайти. Уйи олдидаги кўча, маҳалласидаги мактаб, боғча — ҳаммаси меники, фарзандларимники, деган қараш аста-секин шаклланиб бораётти. Собиқ тузум даврида ҳаммаси давлат мулки ҳисобланиб, унга зарар берган қаттиқ жазоланди. Кейинчалик эса барчаси халқ мулки экани таъкидланди, жазолар енгиллаштирилди, аммо инсонлар онгига сингиб қолган “давлатники” деган қараш таг-тути билан супуриб ташланмади. Оддий мисол. Болалигимда қишлоғимизда мактаб кўмирини ўмариб сотиш, йўл бўйидаги тут дарахтини кесиб, уйга олиб кетиш айб эмас, оддий кундалик ҳаётга айланган эди. Аммо ўша инсонларнинг фарзандлари иссиқ уйларидан чиқиб бориб, совуқ мактабда кун бўйи таҳсил оларди. Бугун эса буларнинг

“Очиқ бюджет” лойиҳаси янада такомиллашиб, қамрови кенгайиб бормоқда. Одамлар эътибори ошган сари давлат ажратаётган маблаг ҳам йил сайин кўпайиб бораётти. Мисол учун, энг кўп таклифлар ички йўللارни тузатиш бўйича тушгани боис, “Менинг йўлим” дастури алоҳида овозга қўйилмаган бўлди.

кўпайиб бораётти. Мисол учун, энг кўп таклифлар ички йўллارни тузатиш бўйича тушгани боис, “Менинг йўлим” дастури алоҳида овозга қўйилмаган бўлди.

Шунингдек, бугун умумхалқ ҳаракати-га айланган атроф-муҳитни асраш, табиатни, яшилликни тиклаш, ҳудудларда “яшил белбоғ” яратиш орқали глобал экологик муаммоларга қарши курашиш ишлари ҳам шу механизмнинг яна бир мақсадига айланди. Бу йўналишдаги таклифларни бир нуқтага жамлаган “Менинг боғим” лойиҳаси ҳам овозга қўйила бошланди.

Айни пайтда “Ташаббусли бюджет”, “Менинг йўлим”, “Менинг боғчам”, “Менинг боғим” кабилар учун таклифлар қабул қилиниб, овозлар йиғилмоқда. Биргина жорий йил “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси биринчи мавсумнинг ўзидаёқ 10 миллион 450 миңта овоз йиғилиб, 2369 та таклиф голиб топилиб, уларни амалга ошириш учун 3,2 триллион сўм ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, бу тизим орқали ҳар йили кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Голиб бўлган таклифлар асосида қанчадан қанча йўл, боғча, мактаб, тиббиёт муассасалари таъмирланиб, халқимизга янада сифатли хизмат кўрсатиляпти. Миллионлаб овознинг ҳар бирида одамларимиз фикри, ўй-хаёли, нияти акс этади. Бундай бунёдкорликлар эса ўзбекистонликларнинг ҳаётдан рози бўлиб, фаровон яшашига янада кенг йўл очади.

Ушбу ижтимоий-иқтисодий жараён одамларимиз ҳаётига нафақат моддий жиҳатдан ўз таътири кўрсатяпти, балки дунёқароши, онгу тафаккури юксалишига ҳам ҳисса қўшмоқда. Қадр кўрган халқимиз ўзини қадрлашни йил сайин ўрганиб бормоқда. Бир пайтлар шоу бизнес вакиллари ва уларнинг қўшиқчиларга ёки маҳалла раиси, депутатликка номзодларга ортиқча бош қотирмай овоз бераётган одамлар бугун ўз овози кучининг аҳамиятини ҳис қила бошлади. Бу инсон менинг овозимга муносибми, деган саволни аввало ўздан, кейин эса овоз сўраётган одамдан сўрайди.

Кейинги ойда йирик ижтимоий-сиёсий жараён — маҳалла раислари сайлови бўлиб ўтади. Бу жараён илгаригиларидан фарқи бўлади. Маҳалла аҳли номзодлардан “Ташаббусли бюджет”да фаоллик кўрсатиши, кам таъминланган, ишсиз фуқароларга қандай ёрдам бериши, ҳудудга янги ўзбекистон нафасини олиб кира олиши ҳақидаги саволларга жавоб бериши шарт бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тизим шиддатли, таҳликали бир замонда дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва сўзига эга бўлиб бораётган янги ўзбекистонга муносиб одамлар шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Бугуннинг гапи

Бугунги Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасидаги энг муҳим масала тадбиркорликни ривожлантириш, давлат раҳбарига энг яқин соҳа вакиллари тадбиркорлардир. Президентимиз қаерга бормасин, албатта, тадбиркорларга яратилган шароитлар билан танишади, таклиф ва ташаббусларига қулоқ тутади. Ҳеч бир йиғилиш йўқки, тадбиркорлар масалалари кўтарилмайдиган.

Жорий йилда юртимизда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи махсулотдаги улуши 55 фоизга, аҳоли бандлигини таъминлашда 75 фоизга етказилади. Камида 600 та кичик ва ўрта бизнес субъекти йириклаштиришга қўмаклашиш орқали улар “чемпион” тадбиркорларга айланатилади. 100 нафардан кўп ишчиси бор тадбиркорлик субъектлари сони 4 миңга етказилади.

Шу йил 19 март куни давлатимиз раҳбари кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашув ўтказди. Эркин сўхбат, очиқ мулоқот, дўстона муҳитда ўтган тадбирда тадбиркорларнинг таклиф ва ташаббуслари тингланди. Президент томонидан янги тадбирбуслар илгари сурилди. Натигада муҳокама қилинган масалалар ва таклифлардан келиб чиқиб, Президент фармони қабул қилинадиган бўлди. Ушбу ҳужжатдаги енгилликлар қўшимча ҳужжатларни кутмасдан тўғридан тўғри амалиётга киритилиши белгиланди.

Уша куннинг ўзида “Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон қабул қилгани айни мулоқотнинг ҳосиласи бўлди.

“ЧЕМПИОН” ТАДБИРКОР БЎЛИШНИНГ

ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАРИ БОР?

Мамлакатимизда сўнгги беш йилда кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 баробар ўсди. Уларда 10 миллион 500 миң одам даромад топиб, рўзгор тебратяпти. Иқтисодиёт ҳажмининг яримдан кўпи, саноат ва экспортнинг учдан бири шу соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келяпти. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ кичик ва ўрта бизнес мамлакатимиз иқтисодиёти учун қанчалик муҳимлигини англамоқда.

— Фармон билан 2025 йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг асосий мақсади кўрсаткичлари белгиланди, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Акмал Ақромов. — Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган муддатдаги стратегияси ишлаб чиқилди.

Мазкур стратегия ўз ичига еттига асосий устувор йўналишни олади. Булар сирасига тадбиркорлик фаолияти учун муҳим бўлган рақамлаштириш, сунъий интеллект ва инновацияларни жорий этиш бўйича зарур шарт-шароитлар яратиш, барча тадбиркорлик субъектларини айни йўналишда ўқитиш, малакасини ошириш ҳам қаради.

Энг асосийси, фармон билан кичик ва ўрта бизнес субъектларининг йириклашувини рағбатлантиришга қаратилган механизмлар жорий этилади. Жумладан, 2025 йил 1 майдан ўзини ўзи банд қилган шахслар ЯТТ ёки юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган давлат божи ундирилмайди. Ўз фаолиятини ЯТТ, микрофирма ёки кичик корхона тоифасига кўчирган тадбиркорларнинг ўзини ўзи банд қилган шахслар ва тадбиркорларга Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури



доирасида 50 миллион сўмгача, Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида 150 миллион сўмгача зарур шарт-шароитлар берилади.

Ўз фаолиятини ўрта ёки йирик бизнес тоифасига кўчирган тадбиркорларга бир йил давомида ҚҚС суммаси ўрнини қоплаш 7 кун муддатда тезлаштирилган тартибда амалга оширилади.

— Бу ҳужжат тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун қулай бизнес муҳитини яратиш ҳамда уларнинг иқтисодиётдаги иштирокини кўпайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқарма бошлиғи Зафар Аҳмедов. — Галдаги вазифа кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги улушини 55 фоизга етказиб, 68 миллиард долларлик

қўшилган қиймат яратиш. Шунингдек, бир ярим миллион доимий иш ўрни ташкил этиш орқали кичик бизнес соҳасида банд бўлган аҳоли сонини ошириш мақсад қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга алоҳида эътибори натижасида ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги сезиларли даражада ошди. Вилоятлар, ҳаттоки Тошкент шаҳридан бориб, у ерда тадбиркорлик қилаётган юртдошларимиз фаолияти бунга мисол.

Мазкур фармонда ҳам Қорақалпоғистонга алоҳида эътибори натижасида ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги сезиларли даражада ошди. Вилоятлар, ҳаттоки Тошкент шаҳридан бориб, у ерда тадбиркорлик қилаётган юртдошларимиз фаолияти бунга мисол.

Мазкур фармонда ҳам Қорақалпоғистонга алоҳида эътибори натижасида ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги сезиларли даражада ошди. Вилоятлар, ҳаттоки Тошкент шаҳридан бориб, у ерда тадбиркорлик қилаётган юртдошларимиз фаолияти бунга мисол.



субъектларига ушбу фуқаролар учун ташкил қилинган ҳар бир иш ўрнига қўшимча равишда 10 миллион сўмдан, 10 ва ундан кўп бундай иш ўринларини ташкил қилган субъектларга 100 миллион сўмгача 3 йилга муддатга йиллик 14 фоиз ставкада айланма маблағларни тўлдириш учун кредит ажратилади.

Фармонда “чемпион” тадбиркор мезонлари аниқ белгилаб қўйилди. Бундай шарафли номга эгалик қилмоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари туман, шаҳар даражасида ҳар бирида камида 2 тадан йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан юқори бўлган корхона ташкил этган ва 50 тадан ортиқ иш ўрни яратган бўлиши керак. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 5 тадан йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан юқори корхона ва 500 тадан ортиқ кишини банд қилган, республика даражасида йиллик айланмаси 1 триллион сўмдан юқори бўлган ҳамда 5 миңдан ортиқ

одамни ишга жалб қилган тадбиркорлик субъектлари ҳам шундай номга лойиқ қўрилади.

Фармонга мувофиқ, 2025 йил 1 майдан 20 та туманда Саноатни жадал ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурда юридик шахс мақомига эга бўлмаган 9 та штат билигидан иборат Саноатни жадал ривожлантириш бўйича бош лойиҳа офиси ташкил этилади.

Янги тадбиркор “оёққа туриб олиши” учун фаолиятининг биринчи йили гоғда муҳим. Тажрибасизлик ортидан айрим ҳуқуқбузарликлар келиб чиқishi мумкин. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу тоифа тадбиркорларига енгиллик берилмоқда. Яъни 2025 йил 1 июлдан 2028 йил 1 январга қадар кичик ва ўрта бизнес субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юкланишини назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга мораторий эълон қилинади.


Фармон билан жорий этилаётган энг муҳим янгиликлардан яна бири, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб охириги уч йилда товарларни реализация қилишдан олдинган жами даромади 10 миллиард сўмдан ошманган, бюджет ва кредиторлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлмаган ҳамда мунтазам равишда солиқ ҳисоботларини тақдим этаётган, “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст даражада таснифланган кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини ихтиёрий равишда тугатганда солиқ текшируви ўтказилмайди.

Яна бир муҳим жиҳат. Келгуси йилдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахслар шугуланиши мумкин бўлган фаолиятнинг 72 тури кўрсатилган рўйхат тасдиқланди. Бир сўз билан айтганда, мазкур фармон билан берилаётган енгилликлар, имтиёзлар, қўшимча рағбатлантириш чоралари тадбиркорлар сафининг янада ошишига, кичик ва ўрта бизнесда янада юқори “сакраш” пайдо бўлишига замин яратади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нуктаи назар

Мустақилликка эришиш улуг бир неъмат бўлса, уни мустаҳкамлаш ҳам катта машаққат, бирдамлик талаб қилади. Минг шукрки, халқимиз бу йўлни жипсликда, мардонвор босиб ўта олди. Хўш, бу вақт давомида нималарга эришдик? Энг аввало, миллат сифатида дунёга таниллик, мустақил, суверен давлат мақомида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга чиқдик. Қадриятлар тикланди, миллий мерос халққа қайтарилди, урф-одатлар, анъаналар қайта жонлантирилди, диний эътиқод, маданият, миллий тил ва адабиёт халқ номидан буй кўрсата бошлади. Қолаверса, иқтисодиёт, ижтимоий таъминот, инсон ҳуқуқлари устуворлиги, миллий давлатчилик тамойиллари мунтазам такомиллаштириб борилди ва бу давом этмоқда.



ҚАДРИЯТЛАРГА ҲУРМАТ

ХАЛҚИМИЗГА ХОС ОДАТ БЎЛИШИ ЗАРУР

Айни жумлалар ким учундир баланд-парвоз туюлиши мумкин, аммо жамият ҳаётига хайрихоҳ бўлиб юрганлар учун бу айни ҳақиқат. Тарихни ҳеч ким қайта ёза олмаганидек, уни ўзгартириш имконияти ҳам мавжуд эмас. Шундай экан, биз тарихни эмас, кўпроқ ўз дунёқарашимизни ўзгартириши ўйлашимиз керак, назаримда.

Бу билан нима демоқчиман? Ислохотлар халққа хос барча қадриятларни тиклаши, миллатга қайтариши мумкин, аммо миллат вакиллари уни чуқур англамас экан, қандай неъматларга қайта эга бўлганини ҳис этмайди. Масалан, бугун аксарият ёшлар учун миллий қадриятлар тиклангани ёки тикланмаганининг аҳамияти оздек гўё. Чунки уларнинг бир қисмида оммавий маданияту космополитизм гояларига мойиллик борки, миллий ўзлик рамзи бўлган дўпни кийсангиз, эриш туюлади, ватанпарварлик ҳақида гапирсангиз, энса қотиради. Лекин бу билан кўпчилик ёшлар шундай, дейиш фикридан мутлақо йироқман.

Собиқ шўролар даврида ўзлашганимизнинг аҳамияти қисми бўлган тилимиздан, динимиздан, қадриятларимиздан ажратишга қаратилган сиёсат қанчалик агрессив юритилган бўлмасин, ота-боболаримиз уни сақлаб қолишга шунчалик уринган. Шундай экан, не машаққатлар билан қўтаририлган бу қадриятларга эскилик сарқити, дея қарашга маънавий ҳаққимиз борми? Келинг, кўйида ушбу саволнинг жавобига олиб борувчи айрим фикрлар устида мулоҳаза юритамиз.

Тарихда дунёнинг етти мўъжизасидан бири сифатида ном чиқарган Артемидда ибодатхонасига Герострат деган кимса томонидан ўт қўйилди. Унинг бундай разиликка қўл уришдан асосий мақсади “тарихда ном қолдириш” бўлган. Афсуски, бугун аксарият ёшлар ҳам “тарих”га кириши, машҳурликка эришиш учун ижтимоий тармоқлар, турли медиаплатформалар орқали шов-шув кўтариб, обуначи йиғиш билан овора бўляпти. Бу икки ўшатишнинг ўзаро алоқадорлиги шундаки, биринчисидан калтабинлик билан инсониятга қарши жиноят қилинган бўлса, иккинчисидан миллатга, авлод-аждодларга, миллий менталитетга ҳамда азалий қадриятларга қарши маънавий жиноят содир этилмоқда. Ачинарлиси, бугунги давр аксарият ёшлари дунёқарашда маънавий маргиналлашув ўсиб бормоқда, улар учун тезда омма эътиборига тушиш, меҳнатсиз даромад топиш, енгил-елпи ҳаёт кечирishi, ўзгалар ҳисобига бўлса-да “яқши яшаш” орсуси устувор бўлиб қолаётгандек. Бунинг оқибати қандай бўлади? Уларнинг шу тахлит турмуш тарзи, дунёқараш, ижтимоий муносабати натижасида қандай умуминсоний, маънавий мулклар бой берилди?

Биринчидан, умуминсоний қадрият бўлган виждон, диёнат, инсонийлик ўрнига виждонсизлик, диёнатсизлик ва эгоизм қарор топиб, ўзидан бошқани ўйламайдиган авлод шаклланди.

Иккинчидан, азалий қадриятларимиз ҳисобланмиш меҳр-оқибат, каттага ҳурмат, кичikka исзат, ота-онага хизматда бўлиш, оила муқаддаслиги, ватанпарварлик туйғуларни ўрнига қўчада автоҳалокатга учраган одамни тезда видеога олиб, ижтимоий тармоққа жойлаштириш ёки кўчада кетаётган ёши катта инсонни бири уриб йиқитиб, иккинчиси тасвирига олиб, ижтимоий тармоқдаги саҳифаларига сиздиришини оддий ҳолдек қабул қилиш даражасига ўтади. Ота-онага хизмат қилиш ўрнига уларнинг тириклик чоғидаёқ ака-укалар ўртасида мерос талашини, ўз ҳолига ташлаб қўйиш, оилани муайян манфаатлар асосида қуриш, унинг “ашаб қилиши”ни шу манфаатларга боғлаб умр кечирishi каби иллатлар “янги қадрият” тарзида кундалик ҳаётимизга кириб келади.

Учинчидан, ёшлар шахс сифатида халқи, оиласи олдидики бурчини унутиб, масъулиятсиз бўлиб воёга етади. Ўзгаларга ёрдам қилиш туйғуси йўқолиб, ўз манфаатини ватан манфаатидан устун



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

қўйиш иллоти қарор топиб боради ҳамда кимгадир азият бериб бўлса-да, ўзи учун тўғри деб билган йўлдан юриш урфга киради.

Тўртинчидан, киши шахсий ҳаётида моддиятга интилиши биланчи вазифа сифатида қабул қилиниб, унга эришиш учун халқ ёки ватан манфаатларига хилоф иш қилиш, қонуналарга бепишанд қараш, ўзгалар мулкни ўзлаштиришга уриниш, таъмагирилик каби иллатлар одатий ҳол даражасига чиқиб, буларни содир этишдан виждон қўйналмай бошлади.

Бешинчидан, эътиқодсизлик, имонсизлик, рибзорлик, ҳўжақўрсинга ҳаракат қилиш авж олади, яъни киши ташқи кўринишдан мўмин-қобил, аммо зоҳиран мунофиқ бўлса-да, уни ўзи сезмайдиган, бу борада бошқалар фикрини ўшитишни истамайдиган бўлиб гавдаланади.

Олтинчидан, миллий қадриятларга берафқ қарайдиган авлод шаклланиб, улар урф-одатларни ҳурмат қилмайди, амал қилиш мажбурият эканини тал олмайд.



Бундай кишилар ижтимоий ҳаётдаги иллатларда айбни ташқи муҳитдан қидирадиган бўлиб, менга атрофимдагилар нима қилиб берди, барчасига ўз кучим билан эришим, деган тушувча билан яшайди.

Хўш, халқимизга хос бўлмаган бу иллатлардан қутулишини йўли борми? Қандай қилиб уларни тузатиш мумкин? Нима қилсақ аждодлар меросига муносиб ворис сифатидаги жаҳоний обрўимиз янада юксалади?

Дарҳақиқат, ҳар қандай синов ортиндан бир яхшилик дарага бўлади. Бунга мукамал ишонч билан инониши, ўзимизни ўзгартиришга қатынати бўлишимизни ўзи кифоядир. Чунки ишонч туфайли жуда кўп муаммоларни енгиб ўтиш мумкин. Аммо ўзимиз ўзгартириш истамас эканмиз, ҳеч ким бизни ўзгартиришга қодир бўлолмайд.

Шу ўринда ўзимизни ўзгартиришга оз бўлса-да кўмак берадиган қўйидаги тасвияларни беришга ижозат ўзгайсиз.

Фарзандларимизни тарбияли, маданиятли, ватанпарвар инсон сифатида миллий менталитетимизни ҳурмат қилиши, биринчи навбатда, ота-оналарга, оиладаги

соғлом ижтимоий муҳитга боғлиқ эканини унутмаслик лозим. Демак, биринчи ўринда ёшларни эмас, ота-оналарни миллий руҳда тарбия этишимиз керак. Маҳмудхўжа Бехбудий айтиб ўтганидек, она тилининг чинакам она тилига айланиши учун, аввало, оналарни саводли этмоқ керак.

Шунингдек, гуманитар фанларни таълимнинг барча турларига олиб кириш, уларни чуқурлаштириб ўтиш тизимини жорий этиш зарур. Дарҳақиқат, ёшларга инсонийлик, виждон амри туйғуларни тарбиявий таълим орқали сингдирилади. Бу жарафда гуманитар фанлар асосий драйвер ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек, биз давлат ва жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилган, бу борада барча ижтимоий ҳаққирин ва даъватларга “лаббай” деб жавоб берган ота-оналаримиз авлод таъсирида тарбияланади. Уларнинг бундай авлод бўлишида ижтимоий фанлар тизимининг ўрни ва аҳамияти катта бўлган.

Кейинги навбатда фуқароларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини белгилловчи ахлоқий нормалар ишлаб чиқилиши даркор. Бунда фарзанди маънавий, ахлоқий тубанлик сари олиб борувчи ижтимоий тармоқлардаги контентлардан фойдалангани учун ота-она ҳам жавобгар бўлиши ҳақида норма ас этиши мақсадга мувофиқ эди. Шу орқали воёга етмаган ёшларга ота-она томонидан “қимматбаҳо телефон” олиб берилишини сезиларли камайтириш мумкин. Чунки мактабда сўнгги русумдаги гаджет кўтариб юрган, чекловларсиз интернетга уланган аксарият болаларнинг ота-онаси чет давлатларда гувоҳ бўлганман. Улар ўзлари билмаган ҳолда учта жавобгарликдан қутулиб қолмоқда. Биринчиси, фарзанднинг ахлоқий тарбиясига салбий таъсир этувчи шарт-шароит яратиб беришдаги айби бўлса, иккинчиси, масъулиятсизлигидир. Учинчиси эса шу берафқлиги ортдан жамиятдаги ижтимоий муҳитга етказётган зарари учун жавобгарликдан қочиб ҳисобланади.

Ниҳоят, маҳалла йиғинлари фаолиятида “Қадриятли оила” кенгашини жорий этиш зарур. Унга кўпни кўрган нуруний, психолог ва педагоглардан иборат тажрибали мутахассислар жалб этилиб, оила қуришга талабгор ёшларни суҳбатдан ўтказиш, оила қуришдан мақсадини ўрганиш, бу масалада ёшлар олдига турган масъулиятни англаш лаёқатини тест қилиш, шундан сўнг кенгашининг тавсияси орқали оила қуришга руҳсат бериш ёки берамаслик тизимини йўлга қўйиш лозим. Шу орқали муайян даражада бўлса-да, соғлом оила деб аталувчи муқаддас маскан ёшлар томонидан энг кўп қадрсизлантирилаётган “қадрият” бўлиб қолаёт.

Улуғбек ЯЗДОНОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Долзарб мавзу



МАФҚУРАВЙ ҲАВФ

ЁХУД БИЗГА “БУЮК КЎЧИШ” КЕРАК ЭМАС

Мирмақсуд ота ўғитлари

Огоҳлик шунчаки сўз эмас, у — чақирик

Кўпчилик кўншлилар маҳалланинг пирю бадавлат нурунийси Мирмақсуд отанинг гурунгига муҳтож. Қачон суҳбатлашсам, менинг ҳам руҳим енгил тортади. Катта ҳаёт тажрибасига эга отахон ҳузурига келган одам билан гаплашишдан, хотираларга берилишдан, панду насихатдан чарчамайди.

— Қариганда мутолаага кўз ўтмай, баъзан телевизор қарияларга яхши эрмак бўлиб қоларкан, — дейди Мирмақсуд ота.

— Тунов кун бир кўрсатув кўрдим. Домла, муаллим, шифокор, ҳуқуқшунос, яна аллақимлар ўтирибди, ёшларни ёмонлашди. Жуда жаҳлим чиқди. Турли тоифа, турли тарбия топган ёшлар ҳар бир замонда бўлган. Бундан 50-60 йил аввал ҳам биздан катталар ёшлардан нолишар эди. Ҳамма айб катталарда, уларнинг фарзандига бераётган ва бераётган тарбиясида.

— Ҳозирги ёшлар ўзидан катта авлод вакилларидан нимаси билан фарқ қилади? — дея сўрайман отани кўпроқ гапиртириш мақсадида.

— Фарқ — мақсадда, — жон киради Мирмақсуд отага. — Бизда ҳам мақсад, ният, келажак ҳақида ўйлар бўлган. Аммо улар ҳозирги кўз билан қарасанг, жуда гариб экан. Ўқши, илм олиш, дунё кўриш каби мақсадлар биз учун иккинчи-учинчи даражали нарсалар эди. Асосан, уйланиш, фарзандлар кўриш ва бир амаллаб тирикчилик ўтказиб, болаларнинг тўйини қилиш ҳақида ўйлардик. Ҳозирги ёшларни қара, оламни оламан, дейди. Мана, кўншлининг Норматили, ўзи ҳайдовчи, кун кўриши бировдан ортиқ эмасди. Лекин ўғил-қизларини ҳар қандай кишининг ҳавас келадиган қилиб улгайттирди. Ким ўйлабди Норматилининг ўғиллари бири Германия, иккинчиси Буюк Британияда, қизи Хитойда таълим олиб келади деб. Гап бу ерда уларнинг хорижда ўқиб келганида ҳам эмас, уларнинг мақсадлари катта эканида. Кеча суҳбатлашиб қолдик. Айтишича, катта ўғли очган қўшма корхонасини

Кўча эшигимиз бомдоддан шомгача қулф кўрмасди. Шунданми, уйда доим кимдир бўлишига қарамай, гоҳ-гоҳ майда буюмлар йўқолиб турарди. Дейлик, сингилларимнинг ҳовлида қаровсиз қолдирган айрим ўйинчоқлари, товук катагидаги тухум, дарахтда етилб келатган гўр ва мева дегандек. Буни асосан кўншли болалар — ўзимнинг тенгдошларимдан бошқа биров қилмасди аслида.

Баъзан шундай кўнглихирликлар устига келиб қолган катта аммамиз ҳар сафар “Эгасининг минг пойлагани — ўғрининг бир пойлагани”, деган гапни айттарди. Ўша кезлар бу мақоланинг мағзини қақшига ёш тафаккурим қуввати камлик қилар эди.

Бугун биз ёшларимизни қанчалик асраб-авайламайлик, уларни маънавий-мафқуравий ҳавфдан муҳофаза қилиш учун бор куч-имкониятларимизни ишга солмайлик, худди юқоридики мақолда назарда тутилган маъно каби бузғунчи куч ва ёт гоялар жамиятимизга сизиб киришида давом этаётганини кўриб турибмиз.



“Бугун мафқуравий ҳавф-хатарлар, ахборот хатарлари ва манипуляциялар кибермақонда кенг тарқалган. Интернет ва рақамли платформалар орқали турли ёлғон маълумотлар, ташвиқот, таъсир этиш ва адаштириш усуллари ишлатилмоқда. Улар инсонлар фикрини ўзгартириш, уларни алдаш, бирор сиёсий ёки ижтимоий гояларга мансуб қилишга қаратилган.”

янада кенгайтираётган эмиш. Кенжасини эса ўзи ишлаётган вазириликда бошқарма бошлиғи лавозимига кўтаришибди. Қизиқ ёш гўдак фарзанди бўлишига қарамай, 30 ёшга тўлмай туриб, профессор унвонини олибди. Ҳаётда олдиға мақсад қўйган ёшлар шунақа бўлади, болам.

Норматили ака ўғил-қизлари роҳатини кўраётган маҳалладошларимиздан. Ўртимизда ёшларга яратилган имкониятлар ортдан фарзандлари юзага чиқди, ҳалол меҳнати билан барча ҳавас қиладиган оила барпо қилди. Ўғиллари яқинда отасига электромобил совға қилганида эса уни оғир кунлар ва машаққатли меҳнатнинг ажри сифатида қабул қилиб, кўзига ёш олди, дуоға қўл очди.

— Мирмақсуд ота, ҳаётда бир оз адашган, ўз йўлини топа олмаётган ёшларга қандай насихат қилган бўлардингиз?

— Маълумот ўрта бўлса ҳам тарбия олий бўлсин. Мол-дунё орттириш мумкин, аммо ҳузур-ҳаловатни йўқотмаслик керак. Кеч ётиб, эрта туришни ўрганишсин. Кўп китоб ўқиб, кам телевизор кўриши, телефонга термиллишга барҳам бериш лозим. Атрофга камэтибор бўлишмасин. Пул топса, оқилона сарфлашни ҳам ўрганисин. Жигарларига оқибат кўрсатсин. Руҳиятини тоза тутиш муҳим. Барака шошма-шошарликда эмас, сабрда. Асосийси, ота-она, қариялар дуосига лойиқ, ана шу дуоға муносиб амал турмуҳида бўлишдир.

ришга ҳаракат қиялпмиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Мулоқотда мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритар экан, Президентимиз ёшларни халқимизнинг олтин фонди деб атади. Шунингдек, жамиятимиз олдида турган ўта муҳим вазифаларга ҳам батафсил тўғналиб ўтди. “Бугун маънавий бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юришиш керак, маънавий янги кучга, янги ҳаракатга айланиш шарт!” дея алоҳида таъкидлади.

Ҳа, бугун мафқуравий ҳавф-хатарлар, аниқроқ айтганда, ахборот хатарлари ва манипуляциялар кибермақонда кенг тарқалган. Интернет ва рақамли платформалар орқали турли ёлғон маълумотлар, ташвиқот, таъсир этиш ва адаштириш усуллари ишлатилмоқда. Улар инсонлар фикрини ўзгартириш, уларни алдаш, бирор сиёсий ёки ижтимоий гояларга мансуб қилишга қаратилган.

Унутмаслик керакки, фарзандларимиз ўз қадриятлари, маънавий асослари ва ижтимоий тафаккури билан келажакқа қадм қўяди, шунинг учун уларнинг маънавий тарбияси ва мафқуравий имунитетини кучайтириш ҳар бир ота-она, педагог ва жамиятнинг муҳим вазифасидир.

Бунда маънавий тарбиянинг асосий жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади. Ёт гояларга қарши туриш ва маънавий имунитетини ошириш фақат оилада ёки мактабда эмас, балки жамиятнинг барча аъзолари биргаликда амалга ошириши керак бўлган вазифадир.


Бор гап шуки, мафқуравий ҳавф кибермақонга кўчиб ўтишга ҳаракат қилапти. У “буюк кўчиш” макомини олмаслиги учун жиловни мен билан сиз қўлимизга олишимиз шарт. Бунда тобора сафлари кенгайиб бораётган юксак мақсадларни кўзлаётган ёшлар таянч бўлади.

Нодир ҚОБИЛЖОНОВ,
журналист

Бу — қизиқ!


Бобур Мирзо ва Янги Ўзбекистон ҳақида учта факт

Юртимизда улуг аждодларимиз номини абадийлаштириш, меросини ёшлар орасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор берилмоқда...



Турфа қабила ва эътиқодларга бўлинган Ҳиндистонда тенг ҳуқуқий асосдаги мамлакат вужудга келди...

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаётлик даврида "Боги Истолиб", "Боги Наврӯзий", "Бўстонсарой", "Чорбоғ", "Боги Беҳиштӣ", "Боги Нур", "Боги Хилват" каби ажойиб, бетакрор боғларни бунёд этган...



Бугун янги Ўзбекистонда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кўплаб боғлар барпо этилмоқда...

Мирзо Бобур "Бобурнома" асарида Ўрта Осиёдан Ҳиндистонгача бўлган масофадаги деярли 50 йиллик воқеаларни ҳаққоний ифода этган...

Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Мулоҳаза

Оламда юз бераётган воқеа-ходисалар, янгилар, яхши-ёмон ўзгаришларга кўра, даврлар ўзига ном яратади: тош асри, санаот асри, атом асри каби...

АХБОРОТ АСРИДА УНИНГ АСИРИГА АЙЛАНМАЙЛИК

Камдан-кам одам қандай маълумотлар ёзиш, тарқатиш ва танлаб ўқиш маданиятига амал қилади...

Ҳаддан зиёд ахборот қалбни камбағаллаштиради

Яқинда мазкур мавзуга оид илмий ишлардан бирида қайд этилган фикр-мулоҳазалар бу хусусда мақола ёзишга ундади...

Уларни нима учун ўқиймиз ва кўрамиз?

Моҳиятан биз атрофимизда юз бераётган жараён ва воқеаларни аниқлаш, тушуниш учун маълумотларни ўқиймиз...

Айни мавзуда илмий тадқиқот қилаётган мутахассислар тилида "думскорлинг" деган атама пайдо бўлган...

Негатив фикр кўпайиб кетса, инсон руҳиятига жуда ҳалокатли таъсир кўрсатади...

Яна бир қатта муаммо шундаки, аҳоли орасида, хусусан, ижтимоий тармоқларда негатив фикрлар жуда кўпайиб кетса...

Айтилайлик, темири бирор буюм ясаш, хомашёга ишлов беришда уни кучли оловда қиздириш, сўнг нобайон шаклга солиш учун болга билан мубан уриш, сўнг дарҳол совуқ сувга солиб совитиш каби ишларни

бажаради. Инсоннинг яхши-ёмон, тўғри-нотўғри, ҳар хил маълумот ва тасвирларни кўравериши давомида онгида тахминан ана шу каби кескин руҳий ҳолатлар ўз беради...

Кечки пайт эса нуқул позитив фикрлар эшитилади. Афсуски, уларнинг тўғриси ҳам, нотўғриси ҳам бўлиши мумкин...



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

қарсақ чалиб олқишлаши уни кўраётган миллионлаб одамларнинг бу ҳолатни тўғри деб қабул қилишига, оммавий жойларда ҳам бемалол шундай сўзлашиш мумкин экан...

Газетамизнинг доимий муҳлиси, кекса педагоглардан бири суҳбат чоғида жуда ачиқ, лекин мулоҳазали хулосаларини билдирган эди...

— Бугун шарҳ ва изоҳларда негативлар кўпайган. Менимча, биринчидан, негатив ахборотлар кенг тарқалган...

Ҳақиқат баҳс-мунозараларда юзага чиқади, деган иборани кўпчилик билади. Шу маънода, яна мутахассислардан бирига қулоқ тутамиз...

Том маънодаги олимлар ва мутахассисларнинг бу мавзудаги хулосасини, фикрларини тинглаш учун, ўзингиз ҳам ижтимоий тармоқлар оқимини кузатиш асносида аҳолида ижобий янгиликдан кўра, салбий воқеа-ҳодисалар, миш-миш ва гийбатларга кўпроқ мойиллик кучайиб кетмадики...

Тиниқ тафаккурғина жамият ва бунёдкорлик таянчи бўла олади

Илмий тиббиётда мия деб юритиладиган тафаккуримиз, ўй-фикрларимиз манбаини ишлаш механизми, имкониётлари шунчаки марақасли, уни ўрганиш, тадқиқ этиш учун махсус илмий-тадқиқот институтлари мавжуд...

Зотан, эзгу ўй-фикр, шунга муносиб ҳаракат бирлигига жамият ривож, маънавиятимиз, бунёдкорлигимиз тиргати бўлиб қолаверади...

Рустам БОЙТЎРА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ

Бош муҳаррир: САЛИМ ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазиравли

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги...

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова Мусахҳис: Шерзод Маҳмулов...